

6-1-2021

ENHANCEMENT OF THE TAXATION PROCEDURE OF INDIVIDUALS ENGAGED IN ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES

Nodira Safarova

Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Safarova, Nodira (2021) "ENHANCEMENT OF THE TAXATION PROCEDURE OF INDIVIDUALS ENGAGED IN ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Нодира Сафарова
Тошкент молия институти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби ва унинг амалдаги ҳолати тадқиқ этилган. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибидаги ўзгаришларга баҳо берилган. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тартиби Солиқ кодекси асосида ёритилган ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришга доир муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Таянч сўзлар: якка тартибдаги тадбиркор, қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ, декларация, айланмадан олинadиган солиқ, кўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи.

Nodira Safarova
Tashkent Institute of Finance

ENHANCEMENT OF THE TAXATION PROCEDURE OF INDIVIDUALS ENGAGED IN ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES

Abstract. The article investigates the features and procedure of the taxation of individuals engaged in entrepreneurial activities, as well as the current state of affairs. An assessment to the changes in the field of taxation of individuals engaged in entrepreneurial activity, carried out within the framework of the Concept of Improving the Tax Policy of the Republic of Uzbekistan, is given. In the article the taxation procedure for individual entrepreneurs is consecrated on the basis of the tax code, furthermore, it was analyzed on the basis of data on business entities operating in Tashkent city. Moreover, the author's views are presented on improving the taxation of individual entrepreneurs.

Keywords: individual entrepreneur, fixed tax, declaration, turnover tax, value added tax, profit tax

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган сиёсат ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мамлакатимизда ишбилармонликни янада фаоллаштириш ҳамда тадбиркорлик ривожини учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, тадбиркорлик субъектларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланиши натижасида аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Бу жараён мос равишда амалдаги солиқ тизимини такомиллаштириш заруратини тақозо этиб,

биринчи навбатда тадбиркор учун содда ва очик бўлган солиқ тизимини шакллантириш ва солиқларни ҳаддан ортиқ бўлмаслигига эришиш лозим.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими кўп йиллар давомида асосан солиқ ставкаларини ўзгартириш билан чекланилди. Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши солиқ ставкаларини ўзгартириш билан чекланиб қолмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини тубдан такомиллаштириш заруратини тақазо этди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди[1]. Натижада, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими уларнинг йиллик даромадлари миқдоридан келиб чиқиб табақалаштирилди.

Шу боис, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш айтилиши вақтда долзарб аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик айрим тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти, ўз-ўзини иш билан таъминлаши, бизнес юритиши ва инновациялар шаҳарларда қишлоқларга қараганда яхши йўлга қўйилганлиги қайд этилиб, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишни давлат бюджети даромадларига таъсири билан бирга унинг иқтисодий ўсишга, қайта тақсимлашга, мамлакатнинг рақобатбардошлигига таъсири ўрганилган[2].

Дунёнинг энг самарали солиқ тизимига эга бўлган давлатларидан бири Германия ҳисобланади. Германия бюджетининг солиқ тушумлари миқдоридан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар муҳим ўринни эгаллайди. Фақатгина даромад солиғи барча солиқ тушумларининг 40 фоизини ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари даромад солиғининг объектларидан бири сифатида қаралади[3].

Я.Митрюшкин яқка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишни тадқиқ этиб, соддалаштирилган солиқ тизимининг мукамал эмаслигини, патент нархи яқка тартибдаги тадбиркор учун белгиланган барча солиқлар йиғиндисининг ўрнини босмаслиги, фақатгина даромад солиғини тўлаш ўрнини босишини, бу ҳолат солиққа тортишнинг замонавий хорижий

тажрибаси ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларни солиққа тортиш тамойилларига тўғри келмаслигини қайд этган[4]. И.Золотерева ҳам ўз тадқиқотларида яқка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини солиққа тортишни тадқиқ этиб, солиқларни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсирига баҳо берган ва солиқлар воситасида уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлайди [5]. С.Шахбанова яқка тартибдаги тадбиркорларни солиқлар воситасида тартибга солиш механизмини, уларни солиққа тортишда муқобил солиқ режимларини илмий-методологик жиҳатларини тадқиқ этиб, афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб берган [6].

Россия Федерацияси солиқ қонунчилигида яқка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг бир нечта режимлари амал қилади. Яқка тартибдаги тадбиркор бизнесни очишдан олдин солиққа тортиш режимларининг шартлари билан тўлиқ танишиши, уларнинг ҳар бирини камчиликлари ва афзалликларини таҳлил қилиши керак. Бунда амалга ошириладиган фаолият турини ҳисобга олиш керак, чунки кўплаб режимлар фақат айрим турларга мос келади. Солиқ режимини танлашда солиқ ставкаси билан бирга солиқ солиш объектига ҳам эътибор қаратиш зарур. Чунки кўп нарса солиқ солиш объектига боғлиқ[7].

Республикамызда сўнгги йилларда солиқлар ва солиққа тортишга доир изланишлар олиб борган иқтисодчи олимлар тадқиқотларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишга доир масалалар қисман ўрганилган. Жумладан, Ж.Урмонов тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиб, яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар берилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Таълим муассасалари битирувчилари ва ходимларни шартнома асосида ёллашга доир имтиёзларни тақлиф этган[8].

И.Ниязметов даромадларни солиққа тортиш тизимини унификациялашни тадқиқ этиб, солиқ концепцияси қабул қилинишидан олдинги даврда солиққа тортиш тизимларини мураккаблашиб кетганлигини таъкидлайди. “ҚБС ва ЯСТ тадбиркорлик фаолиятининг рентабеллик даражаси, янгидан яратган (кўшилган) қиймати, олган даромади ёки фойдасини ҳисобга олишга қодир эмаслиги сабаб, уларнинг ставкаларини фаолият турлари ва ҳудудларига қараб тахминий ҳисоб-китоблар асосида табақалаштиришдан ўзга илож йўқ. Бироқ, бундай тахминий ҳисоб-китоблар асосида ўрнатиб келинаётган ҚБС ва ЯСТ ставкалари тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам, солиқ тўловчиларни солиққа тортиш нуқтаи назаридан ҳам адолат принципининг ҳар томонлама бузилишига сабаб бўлиб келмоқда”[9].

Қ.Тўхсанов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш жараёнларини тадқиқ этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмаслиги натижасида давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда ноаниқликлар маълум маънода “яширин иқтисодиёт”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётганлигини таъкидлайди[10].

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида айнан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибига доир муаммоларга кенг эътибор қаратилмаганлиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири танқидий жиҳатдан ўрганилмаганлиги ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақазо этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва солиққа тортишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди. Мақолани тайёрлашда халқаро журналларда чоп этилган олимларнинг илмий қарашлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг илмий ишланмалари методик асос сифатида хизмат қилди. Тадқиқотда тизимли ёндашув, мантиқий фикрлаш, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини тубдан қайта ташкил қилиш заруратини тақазо этди. Концепция қабул қилингунга қадар якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича солиқ мажбуриятлари фақат қатъий белгиланган солиқ билан чекланган бўлса, сўнгги ўзгаришлар уларнинг йиллик оладиган даромадларига боғлиқ ҳолда солиқ мажбуриятларини ошишига олиб келди.

Солиқ концепцияси доирасида якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларни ҳуқуқий асосларини ва амалий ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар солиқларни қуйидаги тартибда тўлайди:

1) Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн.сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғини икки хил тартибда:

- ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўлаши;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган ҳақиқий даромади бўйича ушбу даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар суммасини чегириб ташлаган

ҳолда доимий яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига декларация топшириш йўли билан даромад солиғини тўлаши мумкин.

2) Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн.сўмдан ошган бироқ 1 млрд. сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни (аввалги ягона солиқ тўлови) тўлашга ўтказилади. Бундай тадбиркорлар ҳам икки хил тартибда солиқларни тўлашни танлаши мумкин:

- календарь йилида реализация тушуми 100 млн. сўмдан ошганда, ошган суммадан айланмадан олинадиган солиқни тўлаши;

- календарь йилида реализация тушуми 100 млн. сўмдан ошганда, айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ўрнига ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашни танлаши мумкин.

3) Календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини юридик шахслар учун белгиланган тартибда тўлашга ўтади. Шунингдек, солиқларни юридик шахслар учун белгиланган тартибда тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорларга фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Бунда, фойда солиғининг соддалаштирилган тартибдаги солиқ базаси жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгиланади.

Якка тартибдаги тадбиркор фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган тартибини танлаганда солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида харажатлар ҳисобини юритиш мажбуриятларидан озод қилинади [11]. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби ва хусусиятларини қўйидагича ифодалаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) томонидан солиқларни тўлаш тартиби [11]

Тушумлар миқдори	Солиқ тури	Солиқ ставкаси	Солиқларни тўлаш тартиби
100 млн. сўмгача	Даромад солиғи	қатъий миқдордаг и суммада	Қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ҳар ойнинг 15 санасидан кечиктирмай, амалга ошириладиган фаолият тури учун белгиланган миқдорда тўланади.
		12 фоиз	ЯТТ даромад солиғини жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида тўлашлари мумкин.
100 млн.сўмдан 1 млрд.сўмгача	Айланмадан солиқ	4 фоиз	100 млн.сўмдан ошган суммадан айланмадан солиқни тўлашга ўтади (ёки ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий ўтиши мумкин).
1 млрд.сўмдан юқори	Қўшилган қиймат солиғи	15 фоиз	ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади (бунда фойда солиғини соддалаштирилган тартибда тўлашни танлаши мумкин).
	Фойда солиғи	15 фоиз	

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби ва хусусиятларидан кўриш мумкинки, уларнинг товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади ортишига мос равишда солиқ мажбуриятлари ҳам ортиб боради. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тартиби юридик шахсларни солиқ мажбуриятларига мувофиқлашиб боради.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг кўпчилиги тўлайдиган солиқ бўлиб, бугунги кунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таркибига киритилган бўлсада, унинг ставкалари қатъий миқдорларда белгиланган. Ушбу солиқ ставкаси 2021 йил учун қуйидаги миқдорларда белгиланган.

2-жадвал

Қатъий белгиланган миқдорларда солиқни тўловчи жисмоний шахслар учун солиқ ставкаси¹

Т/р	Фаолият тури	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:				
	озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлари билан	750 000	600 000	300 000	200 000
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
2.	Маиший хизматлар	250 000	150 000	100 000	50 000
3.	Бошқа фаолият турлари	225 000	150 000	100 000	50 000
4.	Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:				
	3 тоннагача юк кўтариш қуввати-га эга юк автомобиллари учун		150 000		
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		225 000		

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолият турлари 4 гуруҳга бўлиниб, солиқ ставкалари ҳам ушбу фаолият турларига мос равишда табақалаштирилган (2-жадвал). Шунингдек, солиқ ставкалари якка тартибда тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган ҳудудларга қараб яна

¹ Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

4 гуруҳга бўлиб табақалаштирилган. Энг юқори солиқ ставкалари Тошкент шаҳри учун белгиланган бўлса, энг кам миқдори бошқа аҳоли пунктлари учун белгиланган. Бунда ҳудудда яшовчи аҳолининг зичлиги ҳисобга олинган.

Қатъий белгиланган миқдорларда солиқни тўловчи жисмоний шахслар учун солиқ ставкаларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, мамлакатдаги инфляция даражасидан келиб чиқиб, мазкур солиқ ставкалари ҳар молия йили учун индексация қилиб борилади. Бу эса ҳар йили амалдаги солиқ кодексига муайян ўзгартиришлар киритиш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигига кўра якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари жисмоний шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, улар жисмоний шахслар тўлайдиган бошқа солиқларни ҳам тўлайдилар. Мол-мулк солиғи ва ер солиғи шулар жумласидандир. Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи ва ер солиғига доир нормалар солиқ кодексига келтирилган. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳам ушбу нормалардан келиб чиқиб эғалигидаги мол-мулк ва ер участкалари бўйича солиқларни тўлайдилар. якка тартибдаги тадбиркорлар ягона ижтимоий тўловни ҳам тўлайдилар. Бунда:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар, яъни якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари томонидан - ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан - ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) - ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган хунармандчилик фаолияти субъектлари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида - ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида мажбурий тартибда тўланади.

Солиқ концепцияси доирасида якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларнинг ҳуқуқий асослари янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мустаҳкамланди. Ушбу ўзгаришларни амалдаги ҳолатини Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари мисолида кўриб чиқамиз.

Тошкент шаҳрида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар тўғрисида маълумот²

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.		01.01.2021 й.		01.05.2021 й.	
	нафар	фоиз	нафар	фоиз	нафар	фоиз
Ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган ЯТТлар сони	31 833	100	33 338	100	37 085	100
<i>шундан, реализация тушуми бўйича:</i>						
100 млн. сўмгача	24 198	76,0	26 406	79,2	27 533	74,3
100 млн.сўмдан 1 млрд.сўмгача	7 421	23,3	6 691	20,1	9 239	24,9
1 млрд.сўмдан юқори	214	0,7	241	0,7	313	0,8

3-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, Тошкент шаҳрида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 31 833 тани, 2021 йил 1 январь ҳолатига 33 338 тани, 2021 йил 1 май ҳолатига 37 085 тани ташкил этиб, мунтазам равишда ўсиб бориши кузатилган. 2020 йил 1 январь ҳолатига ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган ЯТТларнинг 76,0 фоизи йиллик реализация тушуми 100 млн.сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғи келган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига 74,3 фоизини ташкил этган. Йиллик реализация тушуми 100 млн.сўмдан 1 млрд.сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектларининг улуши шу даврда 23,3 фоиздан 24,9 фоизга қадар ортган.

Таҳлил қилинган даврда йиллик реализация тушуми 1 млрд.сўмдан юқори бўлган тадбиркорлик субъектларининг сони ҳам мунтазам ўсиши кузатилиб, жами тадбиркорлик субъектларининг 0,7-0,8 фоизини ташкил этган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, Тошкент шаҳрида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сони охириги бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида 16,5 фоизга ошган. Бу ҳолат, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда (4-жадвал).

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ЯТТларни фаолият жойлари тўғрисида маълумот³

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	01.05.2021 й.
Ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган	31 833	33 338	37 085


² Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

³ Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ЯТТлар сони			
шу жумладан:			
Турғун савдо шахобчаларида	17 509	18 337	20 397
Бозор ва савдо комплексларида	7 958	8 334	9 271
Бошқа жойларда	6 366	6 667	7 417

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларни фаолият жойлари бўйича таҳлили кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинган даврда уларнинг ўртача 55 фоизи турғун савдо шахобчаларида, 25 фоизи бозор ва савдо комплексларида, 20 фоизи бошқа жойларда фаолият олиб бормоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорларни 80 фоизидан ортиқ қисмини турғун савдо шахобчаларида ҳамда бозор ва савдо комплексларида фаолият кўрсатаётганлиги солиқ концепцияси доирасида календарь йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадига боғлиқ ҳолда табақалашган солиққа тортиш тизимини самарали амалга ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда.



1-расм. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ЯТТлар томонидан тўланган солиқларни улар томонидан тўланган жами солиқ тушумларидаги улуши (фоиз)⁴

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган солиқларни улар томонидан тўланган жами солиқ тушумларидаги улушининг таҳлили кўрсатмоқдаки, қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг улуши 2019 йилда 63,6 фоизни, 2020 йилда 54,0 фоизни, 2021 йил 1 май ҳолатига 40,3 фоизни ташкил этиб, камайиши

⁴ Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

кузатилган. Айланмадан солиқнинг улуши таҳлил қилинган даврга мос ҳолда 31,7; 38,3 ва 54,0 фоизни ташкил этиб, ортиб бориши кузатилган. Қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғининг улуши 4,7; 7,7 ва 5,7 фоизни ташкил этиб, ўсиши кузатилган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортишнинг 3 хил тартибининг белгиланиши уларнинг солиқ мажбуриятларини ошишига олиб келди. Бунда умумий хулоса шуки, агар якка тартибдаги тадбиркорнинг йиллик товар айланмаси 1 млрд.сўмдан юқори бўлса, юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Якка тартибдаги тадбиркорларни солиқ мажбуриятлари уларнинг йиллик товар айланмасига боғлиқ бўлгани ҳолда, амалдаги солиқ маъмурчилиги уларнинг йиллик товар айланмасини тўлиқ қамраб олиш имкониятига эга эмас. Бунда тадбиркорлик субъектларининг банк орқали айланмаларининг тўлиқ ҳисобини юритиш имконияти мавжуд. Айрим ҳолларда савдо ва хизматлар учун нақд пул тўловларини тўлиқ кирим қилмаслик ҳоллари учрайди. Бу ҳолат, амалдаги солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришни, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида ахборот технологияларини кенг жорий этиш заруратини туғдирмоқда.

Шу билан бирга, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини солиқ мажбуриятларини уларнинг йиллик товар айланмасига боғланиши, уларни солиқ мажбуриятларини юридик шахсларга тенглаштирилганидан далолатдир. Бундай шароитда йиллик товар айланмаси юқори бўлган якка тартибдаги тадбиркорларни юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишини ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида уларни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш бу борадаги устувор йўналиш сифатида қаралиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги сўнгги ўзгаришлар бу борада кўпроқ илмий изланишлар олиб бориш заруратини тақазо этмоқда. Чунки, мазкур солиққа тортиш тизими мамлакатимиз учун мутлақо янги тизим бўлиб, унинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби уларнинг солиқ мажбуриятларини ошишига олиб келган. Бунда йиллик оладиган даромади юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари учун солиққа тротишнинг соддалаштирилган тартибидан фойдаланиш имконияти яратилган. Лекин амалда солиқдан қочиш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни (хизматларни) реализациясини турли йўللار билан яшириш ҳоллари кузатилмоқда. Бу ҳолат, амалдаги солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришни, ўзаро ҳисоб-

китоблар тизимида ахборот технологияларини кенг жорий этиш заруратини туғдирмоқда.

Бизнингча, шаҳарларда чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш ўрнига айланмадан солиқ тўлаш тартибини жорий қилиниши тадбиркорларни солиққа солиш тизимини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетларга кўшимча даромад шакллантиришга хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодиётида яширин иқтисодиёт кўламини камайтириш учун жисмоний шахсларнинг жами даромадларини, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини тўлиқ умумдекларациялаш тизими асосида солиққа тортиш бу борада устувор вазифа қилиб белгиланиши лозим. Бунда жисмоний шахсларнинг харажатларига доир маълумотлар базасини рақамли технологияларни жорий этиш орқали шакллантириш ва даромадларига мослигини назорат қилиш, уларда ўз-ўзидан олган даромадларини тўлиқ кўрсатиш мажбуриятини пайдо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>.

2. Faggio G., Silva O. Self-employment and entrepreneurship in urban and rural labour Markets. *Journal of Urban Economics* 84 (2014) 67–85.; Szarowska I. Personal income taxation in a context of a tax structure. *Procedia Economics and Finance* 12 (2014) 662 – 669.

3. Зотиков Н.З. Особенности налогообложения физических лиц в Германии. //Вестник Евразийской науки, 2020 №4, <https://esj.today/PDF/61ECVN420.pdf>.

4. Митрюшкин Я.Ю. Совершенствование налогообложения индивидуальных предпринимателей в РФ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2002.

5. Золотерева И.Л. Совершенствование налогообложения индивидуального предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2007. – стр 21.;

6. Шахбанова С.Р. Совершенствование механизма налогового регулирования индивидуального предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.– Махачкала, 2014.

7. Kosheleva N., Kosheleva A. The System of Taxation of Individual Entrepreneurs in the New Realities of Industrialization and Digitalization. *SHS Web Conf.* Volume 93, 2021. <https://doi.org/10.1051/shsconf/20219302015>

8. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018.- 70 б.;

9. Ниязметов И.М. Даромадларни солиққа тортиш тизимини унификациялаш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2018 йил.

10. Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019.- 61 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. <https://lex.uz/docs/4674902>.